Узбекистон Республикаси

Олий ва урта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги Самарканд Давлат

Архитектура Курулиш Институти

«Курулишни бошкариш» факультети

«Ксбий таълим» кафедраси

# Диплом лойихасининг

# Тушунтириш хати

Мавзу: Рангтасвирда маиший натюрморт ишлаш

ва уни укитиш услуби.

Кафедра мудири:доц. Рахимов А.К.

Рахбар:Укт. Ахадов Ф.Ш

Битирувчи: 401-КТ(с) гурухи

талабаси Кушбокова Шохиста.

Самарканд -2012йил.

Мундарижа6


I. Кириш……………………………………………………

II. Мавзуни асослаш……………………………………….

а)Рангтасвир санъати…………………………………..

б)Рангтасвирда натюрморт жанри……………………

в)Мавзуга асосан  натюрморт ишлаш жараёни…….

III. Укув услубий кисм……………………………………….

IV. Хулоса……………………………………………………

V. Адабиётлар…………………………………………………

# Кириш.

Узбекистон Республикасида «халк таълими тугрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» олий ва урта махсус таълим тизими олдига юксак манавият мавкуравий миллий ахлокий мехнат интеллектуал онг хаётий ва жисмоний соглом авлод яратишда юксак вазифалар куйилди. Маълумки баркамол авлодни шакллантириш куп жихатдан тарбиячи педагог, ота-она устозларининг махоратига боглик. Укитувчининг урни ва унинг шарафли вазифаларини укитувчининг касби шон-шарафи ва машакатлари бугун хам мустакил республикамизда янада юксакрок кадрланмокда.

Узбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод-Узбекистон келажагининг пойдеворидир» нуткида «Бизга мактабнинг битирувчилари эмас балки тарбияни курганлар, яъни билим, касб хунарни эгаллаган ёшлар кераклигини такидлади». Президентимиз ёшларни мактабда мохирликни эгаллаш ёлига киритишни такидлаб, мохрлик бу фахм-фаросат чинакам илмий билим хакида хаётий тарбия, турмушдаги кийинчиликларни енгувчи мувоффакиятлардан завкланиб, яхшилик сари узини илхомлантирадиган ёшлар кераклигини курсатиб утдилар. Инсон ер юзидаги энг мукамммал буюк зод булиши учун аввало тарбияланган ва касбли булиши зарур, демак жамият укитувчидан чукур ва кенг маълумот, юксак ва кенг пок ахлокий фазилатлар, укитувчилик касбига тайёр булишидек улуг вазифаларни талаб этади ва талаб этиб келган.

Хакикатдан укитувчининг давлат халки олдида ижтимоий вазифаларни кенг ва заруриятдандир.

## 1) Мавзуни асослаш.

Диплом ишининг мавзуси: Рангтасвирда натюрморт ишлаш ва уни укитиш услуби. Мавзуга асосан «Маиший натюрморт» ишлаш керак булади.

Нимага айнан маиший деган савол тугулиши табиий. Биринчидан санъат йуналиши диплом иши мавзуси тарихида айнан натюрморт жанрида хеч ким бундай мавзуда иш бажармаган. Демак уз-узидан куриниб турибдики мен бажармокчи булган диплом ишим янгилик булди. Уз навбатида, танланган мавзу хакида тушунча бери бутсам.

Натюмор деганда биз жонсиз табиатни тушунамиз. Натюрмортлар хаммага маълумки турли-туман булади. Энди маиший натюрмортга келадиган булсак, бу хилдаги натюрмортлар уй-рузгор буюмларидан иборат булади. Булар рузгорда ишлатиладиган гулдонлар ва хоказолар киради. Маиший натюрморт ишлаш учун натюрморт ва композитцияни тугри тузиб олишимиз керак булади.

Натюрморт бино яъни хона ичида очик хавода сояда ва офтобда табиий ва суний ёругликда тасвирлаш мумкин. Бу уз навбатида ижодий вазифаларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.Натюрмотр асосан 2 жихат асосида тузилади. Бу натюрморт композицияси ва натюрморт куйилмаси.

### а) Рангтасвир санъати.

Рангтасвир тасвирий санъат тури хисобланади. Рангтасвир –бирор каттик юзада рангли ашёларда, масалан буёклар ёрдамида яратиладиган рангли асар.

Рангтасвир-вокейликни бадиий тасвирлаш ва талкин килиш.

Рангтасвир- томошабин мухум ижтимоий мазмун ва ранг-баранг гоявий вазифаларга эга.

Рангтасвир- асарининг гоявий мпзмунини унинг мавзу ва сюжетида мужассамлашади.

Рангтасвир ифода воситалари  компазиция, расм, ранг, ритм ва х.к.

Рангтасвир асарларининг асоси: махсус ишлов берилган мато, ёгоч, когоз,картон, шиша, металл ва х.к.

Рангтасвир ранг катлами: мойбуёк, гуаш, темпера, акварель, рангли шиша, рангли то шва х.к.

Рангтасвир мухум тасвирий ва  таср воситаси  бу ранг (колорит).

Ранг оркали  рассом борлик  ёки хаётий дкнёни куринарли шаклларда тасвирлайди, маконнинг рексийлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини, моддийлигини, хажм ва фактурасини курсатиш харакати, инсон рухиятидаги  узгаришлар, мураккаб шахсий кечинмалар, уё-хаёллар акс этириши мумкин.

Рангтасвир тасвирий ифода воситаси  ва ишлаш услуби, ишлатиладиган ранг куроллари хусусияти, ранг эритгичлар асоси  билан боглик (масалан: юзаси силлик ёки  гадр-будр берилишига караб  асар куриниши  турлича таъсир курсатиши мумкин).

Рангтасвир-асарлари ишланиши  шартли икки: ясси ва хажмли-фазовий услубга ажратиш мумкин.

Биринчи услубга тасвир нурсоясиз яхлит ясси шаклда  ишланади, хажмли – фазовий  усулда эса тасвир  хажмли нурсоя ёрдамида мухит билан боглик холда  тасвирланади.

Бундай асарлар ранга бой булиб  унда рангларнинг  барча тусланишларини  хис этиш, тушувчи нурнинг кайтган  рангини  хам кайтаётган тусланиши ва бошка ранглар билан  буяши (рефлекс)ни куриш мумкин. Рангтасвир асоларида  бу икки услуб орасида  катий чегара  ёк  бири иккинчисини  тулдиради. Рангтасвир асарлари  узининг  ишланиш урни, мазмуни, бажарадиган вазифаси , ишлаш услуби,  ва куринишига караб монументал, безак дастгох санъати, декларатсия, миниатюрага ва бошкаларга  булинади.

Рангтасвир тасвир мавзуси ва мазмуни йуналишига караб бир катор жанрларга ажратилади.

1.Анималистика. 2. Тарихий жанр. 3. Маиший жанр. 4. Батал жанри. 5. Портрет. 6. Манзара. 7.Натюрморт ва бошкалар.

Рангтасвир-кадмда сунги полимет 1 мил. ав. 40-8минг йилликларда пайдо булган. Жанубий Франция Урта Осиёларда рангтасвирда асарлари сакланиб колган созтупрокли буёклар коракуй, писта, кумир билан ишланган. Расмлар текис шарпа сифат, базиларда эса хажмли килиб ишлашга харакат килинади. Мезиолит ва неолит даврида бажарилган ибтидоий расмларда мураккаб компазициялар абстракт тушунчалар пайдо була бошлайди.

б) Рангтасвирда натюрморт жанри.

Натюрморт- францкзча (натрмурте)дан таржима килинганда- жонсиз табиат деган манони беради.

Натюрморт-инсоннинг атрофини ураб турган реал маиший мухитда жойлашган ва компазиция жихатдан сахий гурухи ташкил килган нарсалар тасвирланади.

Шунингдек анна шу жанрда яратилган рассомлик асари хам натюрморт деб аталади. Натюрморт-жонсиз буюмлар(масалан:уй-рузгор буюмлари, курол аслахалар ва бошкалар)дан ташкари табиатдан ажратиб олинган жонли табиат нарсалари (столдаги балик,вазадаги гул ва бошкалар) хам тасвирланади.

Асосий мавзуни тулдириш учун баъзан натюрмортга одамлар хайвонлар,кушларни хам киритиш мумкин.

Маиший асосда ажратиб олинган майда нарсаларни мухумлиги бошка жанрларга нисбатан натюрмортда намоён булади.

Натюрморт-тасвирланган (мустакил акс эттирилган ёки картиналарда асар мазмунини бойитаётган ва тулдирадиган) буюмлар уз эгасининг фел-атворини, кизикишини ёритишга ёки буюмнинг шакли, фактураси,тузулишидаги ритмлик, динамик ва статик холатларини курсатишга каратилган.

Натюрморт кадимги Мисрда деворга ишланган фрексаларда, илмий, мазайкаларда, Хитойда 7-асрдан бошлаб куш ва гулларнинг компазитсия булаги сифатида маълум булган. Натюрморт Европада 16-аср охири 17-аср бошларида мустакил ахамиятга эга булди ва кенг таркала бошлади.

Натюрморт энг тараккий этган давр 17-асрга тугри келади.

Натюрморт атамаси XVIII-асрдан бошлаб кулланила бошлаган. Италия рассоми М.Кораважо ва унинг издошлари (каравадизм) натюрмортнинг кенг таркалишида мухим рул уйнади.

Гул ва мевалар, денгиз иноми балик, кискичбака севимли мавзуга айланди.

Натюрморт Россияга 18-асрда кириб келди.

Кузни алдайдиган «худи узига ухшаш » (алдамчи) расмлар ишлашдан шакиллана бошланди. 19-асрнинг биринчи ярмида хакконийлик, борликни узидан гузаллик топишга харакат килинди.

Шакл, фактура ва бошка безакдорлик борасида ютукларга эришилди.

Узбекистон тасвирий санъатида натюрморт унсурлари кадимий давр санъатида, масалан Афросиёб девори расмларида вазадаги мевалар мисолида. Минатюра санъатида масалан Камолиддин Бехзоднинг «Шайбонийхон» натюрмортда тасвирланган буюмлар- сиёхдон, камчи мисолида учрайди.

Натюрморт хакикий шаклланиши ва ривожланиши 20-асрнинг 30-50-йилларига тугри келади.

Айни шу даврда рассомларнинг ижодида натюрмортнинг дастлабги намуналари пайдо булди.

Л.Насриддинов номли «Натюрморт» Ш.Хасанова Хитой чинниси билан ишлаган натюрморт ва бошкалар. Рассомлар Р.Ахмедов, А.Икромов, М.Нуриддинов ва бошкалар натюрморт жанрида самарали ижод килиб, натюрморт тараккиётини таминладилар.

в) Мавзуга асосан натюрморт ишлаш жараёни.

Маиший натюрморт мавзусида натюрморт ишлаш биринчи навбатда эскиз устида иш олиб бордим. Изланишларим натижасида манна куриб турибсизки ушбу эскизга тухталдим. Ундан кейин эскизни каламтасвир ёрдамида олдиндан тайёрланиб куйилган тасвир юзасига кучирдим. Каламтасвир ишлари тугагандан сунг ранг беришга утдим. Биринчи навбатда маиший натюрмортнинг фони ишланди. Ундан кейин орка пландаги деталларга ранг берилаб олдинги плпндаги туздонни, 2 дона булгор калампири ва памидорларга ишлов бериб ранг бериш жараёни якунладим ва рамкага солдим.

III. Укув услубий кисм.

Мундарижа:

1.Педагог кандай булиши керак.

2.Замонавий укитиш технологиялари.

3.Дарс режа матни.

4.Дарснинг тури ва мазмуни.

5.Дарснинг бориши.

6.Дарснинг технологик жараёни.

(Амалий дарс утиш услуби.)

Дарс утиш  режаси.

7.Иллюстрациялар.

8.Йиллик иш  дастури.

9.Укитувчининг йиллик таквим  иш режаси.

10. Укитувчининг  шахсий иш режаси.

11. Укитувчининг манавий  ва марифий ишлар режаси.

12. Дарс тахлили.

Педагог кандай булиши керак. Укитувчи талабаларни севиши, уларга чинакам гамхурлик  килиши ва  улар билан  уз фарзандидек муносаботда булиши керак, талабаларга мехрибон, очик кунгил, узини уларга  якин тутадиган укитувчини севадилар, хар бир ишда унга  эргашишга  харакат киладила, хатто шундай шундай хислатларга эга педагогларда базиларини умр буйи  унута олмайдилар. Гамхурлик килиш билан бир каторда  уларни эркалатиб хам юбормаслик керак. Талабалар узлари билан  хаддан ташкари купол муносабатда булувчи  укитувчини севмайдилар, хуш шундай экан, укитувчи талабалар билан  хар томонини хисобга олган холда  бир меёрда муомила килиши керак.

Уларда турли мехнат куролларини  такомиллаштириш  кобилияти, нутк ва тафаккурини ривожлантириш керак. Кекса авлод мехнат процесида ортирилган  тажрибаси асосида  усиб келаётган ёш авлодни хам мехнатда иштирок этишга ургатиш керак. Шундай килиб тарбия  кишилак жамияти практик эхтиёжининг  обектив заруратидан  келиб чикади, шу  жамият билан бирга  ривожланиб боради.  Тарбия мохирлик ва  ишни кузини  билишни талаб килади. Тарбияни амалга ошириш процесини  англаш ва бу сохадаги тажрибани  ортириш эхтиёжининг  тугилиши натижасида  педагогика фани юзага келди. Кишининг касби канчалик мураккаб булса ундан шу кадар юкори маданиятли булиши талаб килинади.

Хозирги замон укитувчиси зиммасида ёш авлодни жисмоний жихатдан пишик, рухан тетик, билимли, ватанпарвар, мамлакатимизда демократик жамият куришнинг актив бинокори килиб етиштириш вазифаси юкланган. Шунинг учун хам у кенг маълумотли ва юксак маданиятли булиши керак. Укитувчи канчалик малумотли ва ишни кузини биладиган булса уз малакасини тинмай ошириб борса унинг мактабда ва мактабдан ташкари килинадиган ишлари сохасида эришадиган мувофакиятлари шунчалик сер уним булади. Бундай укитувчи узи ишлаётган синфида педагогик ва дедактик талаблар асосида пухта уйиштиради. Хар бир укитувчининг психалагик хусусиятларини , кобилиятини, дарсни узлаштириши ёки узлаштирмаслик сабабини, укувчининг ички дунёсини тез билиб олади.

«Замонавий укитиш технологиялари».

Касбий таълим деганда талабаларнинг муайян тупдаги укув юртида укиш жараёнида эгаллаб олиши лозим булган, хамда системага солинган билим малака ва куникмалар доираси тушунилади.

Касбий таълим мазмкни бир катор факторларни хисобга олиш билан белгиланади. Бу факторларнинг асослари куйидагилардан иборат: а)ижтимоий ишлаб чикаришнинг обектив эхтиёжлари хамда фан ва техникани тараккиёт даражаси ижтимоий тузумнинг характери бунга давлатимизнинг хозирги пайтда олиб бораётган касбий таълим назарияси ва манавий ишлаб чикаришни йулга куйиш чора тадбирлари хакидаги боскичма-боскич ислохатлари киради.

б)Давлатнинг муайян турдаги укув юрти олдига куйиладиган максад хамда вазифалари. Бундай типдпги укув юртлари сирасига укиш муддати камида 3йил булган академик литсейлар ва Касбий колледжлар кириб улар олдига «Ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган юкори умумий касбий маданиятини касб этган мутахасислар янги баркамол авлодни шакиллантириши максад килиб куйилган».Бундай баркамол авлодни шакиллантириш максадида вазирлар махкамасида 1998-йил 24 февральда

кабул килган «Академик лицейлар ва касбий колледжлар ташкил этиш хамда улар фаолиятини бошкариш» тугрисидаги карори касбий колледжлар учун малакали педпгогик ва мухандис педагог кадрлар тайёрлаш олий укув юртларини хам белгилаб беради. Бу хозирги пайтда фаолият курсатаётган Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Институти, Наманган Мухандислик Педагогик Институти, Бухоро озик-овкат ва енгил саноат институт ива бугунги кунда битирув малакавий мавзуларни химоя килаётган Самарканд Давлат Архитектура Курулиш Институти Касбий Таълим факультети талабаларидар.Касбий таълим «санъат» йуналиши буйича битириб чикаётган навбатдаги калдиргочлардир.

в)Укитиш принсипларидаги келиб чикадиган ва талабаларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактика талабалар касбий таълим мазмунини тарихий характерга эга кишилик жамиятини тараккиётининг турли боскичларида турлича булган.

Хунар давлат томонидан тасдикланади Касбий таълим дастури укувчиси узининг кундалик иши фаолиятида бу дастурга амал килиб дастурда курсатилган мавзуларга маруза матнлари ёзиб дарсга киради.

Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тула-тукис жавоб бериши, мураккаблигининг усиб бориши хисобга олинган холда ва касбий таълимнинг танланган дидактик системасига мувофик равишда муайян изчилликда баён килиниши (КПТ курулиш-КПТ санъат) мисолида куриш мумкин.

Табиатни мухофаза килиш.

1. Кейинги даврларда фан ва техника ютукларга асосланган инсониятнинг табиатга курсатаётган тасири нихоятда кучайган бир вактда табиатни ундаги экологик мувозанатни асраш нихоятда мухм муаммолардан бири хисобланади. Шунинг учун хам келажак авлодни экологик жихатдан саводли ва етук кишилар килиб тарбиялаш ва бу борада ёшлар онгида

экологик тушунчаларни шакиллантириш хозирги даврнинг долзарб муаммосидир.

Хусусан, орол атрофида кишлок хужалигида йул куйилган хатолар денгтзнинг куришига олиб келди, бу эса уз навбатида ана шу вилоятдаги ахолии яшаш шароитларининг ёмонлашишига ва хар хил касалликларнинг кучайишига сабабчи булди.

Табиат мухофаза килиш муаммосига эътибор бермаслик ёки уни иккинчи режага суришнинг узи инсониятнинг озик-овкат махсулотлари билан таминлаш буйича узок муддатга тузилган режанинг бажарилишига тускинлик килади. Худди шунингдек у саноатни хар хил махсулотлар билан таминлашни бузади ва окибатда одамзотнинг яшаши учун зарур булган шароитнинг ёмонлашишига олиб келади.

2. Табиат узига хос мураккаб тизим булиб инсон ва жамият унинг хосиласидир.

Инсон табиатдан хаво,сув, озик-овкат минерал, ёнилги хам ашёларнинг ва уз эхтиёжларини кондиради. Натижада табиат учун ёт булган янги объектлар вужутга келади. Булар: шаха рва кишлоклар, заводлар, фабрикалар, йуллар, кувр сув омборлари, кишлок хужалик ерлари ва бошкалардир.

Хозирги кунга келиб бутун дунёдаги экологик холат купчиликни бирдек бевзота килмокда. Экологик халокат куз унгимизда дахшатли тус олмокда. Атроф-мухитни мухофаза килиш ва мавжут табиий ресурслардан самариали фойдаланиш масалалари долзарблигича колмокда. Хозирги экологик инкироз сабабчиси ва уз акл-заковати билан шу инкирозни бартараф этувчи бу-Инсон эканлигига ишонч бор. Атроф-мухитни ифлослантиришдан саклаш табиий бойликларни тежаб фойдаланиш куп жихатдан инсонлар кайси жамиятга яшашларидан катий назар уларнинг экологик саводхонлик даражаси, экологик маданиятига боглик.

Мустакил Респкбликамиздаги экологик муаммоларни хал килиш учун ахолини экологик саводхонлигини ошириш энг устувор вазифалардан хисобланади.

Экология фани нихоятда куп тармокларни уз ичига олади. Масалан биоэкология, геоэкология, ижтимоий экология, инсон экологияси в ах.к.

Дарсликларда экологиянинг барча тармоклари ва атроф мухит мухофазаси ташкил этишнинг хукукий асослари халкаро экологик хамкорлик, экологик таълим тарбия масалалари ёритилган. Хар бир мавзу мохиятининг очиб беришнинг аввало дунё буйича маълумотлар берилиб сунгра республикамиздаги ахвол талкин килинади.

Шунингдек дарсликда Франциялик олим француз Ромадлнинг «Экология асослари» номли китобидан узбек тилига таржима килинган малумот ва турли чизмалардан кенг фойдаланилган.

Хулоса.

Димплом ишга айнан шу мавзуни танлашга сабаб, ёшликдан ранг тасвирга булган кизикишим деб уйлайман. Рангтасвирнинг натюрморт жанри булса 4 йиллик тахсилим давомида узига жалб килди. Шу сабаб рахбарим маслахатлашган холда анашу мавзуда натюрморт ишлашга карор килдим.

Бу масулиятли вазифани бажаришда 4 йил давомида устозлардан олган билим ва куникмалар кул келди.

Албатда бу уринишларимни бахолаш сизларга хавола, Хурматли Давлат аттестация Комиссияси раиси ва комиссия аъзолари.

Уз навбатида мен, биз талабаларга санъат сирларини ургатган устозларга рахмат айтаман.

Адабиётлар.


1.И.А.Каримов «Узбекистон 21-аср бусагасида». Тошкент 1997й.

2. И.А.Каримов «Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули». Тошкент 1992й.

3. «Тасвирий санъат ва уни укитиш методикаси». Тошкент 2005й.

4. «Буёклар билан ишлаш». Х.Эгамов. Тошкент. Укитувчи. 1981й.

5. «Замонавий укитиш технологиялари»Х.Т.Авлиякулов. Тошкент 2001й.

6. Узбекистон миллий энциклопедияси.

7. «Рангтасвир» С.Абдурасулов. Тошкент. «Билим». УМКХТМ. 2005й.

8. «Рассом-укитувчилар тайёрлаш муаммолари». Н.Ойдинов. Тошкент. 2005й.

9. WWW.Googl.uz.Natyurmort.Illustrasiya.